*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**19 июль**
ШАНБА
**№ 58** (12694)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Она Ўзбекистонимизнинг равнақига улкан ҳисса қўшадиган, ҳар қайси оиланинг, эл-юртимизнинг ризқ-рўзини, дастурхонини тўкин қиладиган, одамларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган, миришкор деҳқонларимиз фидокорона меҳнатининг натижаси бўлмиш ғалла хирмонининг йилдан-йилга ошиб бораётгани барчамизни қувонтиради ва ғурур-ифтихор бағишлайди, десам, сиз, азизларнинг, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Бугун деҳқон ва фермерларимиз, барча дала меҳнаткашларининг пешона тери, оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнати эвазига қўлга киритилган ғалаба билан – мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этганингиз билан сизларни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш – мен учун катта бахт.

Мана шу қувончли айёмда бу мисли кўрилмаган ютуқнинг моҳияти ва қадр-қимматини ҳар томонлама чуқур англаш учун бир вақтлар, яъни, эндигина мустақилликка эришган биринчи кунларда давлатимиз омборларида халқимизни боқиш учун фақатгина бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун қолганини, айтиш мумкинки, юртимиз очарчилик остонасида, жар ёқасида турганини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, биз қандай таҳликали ва хатарли замонни бошимиздан кечирганимиз ва бугунги қўлга киритган, ҳақиқатан ҳам буюк марраларнинг баҳоси ва аҳамияти яққол аён бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мана шундай ёруғ кунларга етказгани учун Яратганимизга минг бора шукроналар айтишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Шу ўринда бу тарихий ютуқнинг туб моҳиятини очиб берадиган баъзи бир рақамларни эсга олишимиз табиийдир.

Бундан 23 йил олдин биз 21 миллиондан зиёд аҳолимизнинг эҳтиёжи учун зарур бўлган 5 миллион тонна ғаллани четдан, катта-катта маблағлар эвазига, кимларгадир муҳтож бўлиб, ялиниб-ёлвориб олиб келишга мажбур эдик.

Бугунги кунда эса биз 31 миллиондан ортиқ аҳолимизни ўз донимиз, ўз беминнат нонимиз билан тўла таъминлабгина қолмасдан, балки чет элга ғалла экспорт қиладиган мамлакатга айландик. Ўтган давр мобайнида ўлкамизда ғалла етиштиришнинг умумий ҳажми 940 минг тоннадан 8 миллион тоннага етгани, ўртача ҳосилдорлик гектарига 17 центнердан 55 центнерга ўсгани бизнинг бу соҳада илгари фараз қилиш ҳам қийин бўлган, қандай улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Айнан мана шу ҳолатларни қиёслаганда, юрагимиздан ўтказганда, ўйлайманки, ҳар қайси одам "Ким эдигу ким бўлдик?" деган ҳаётий ҳақиқатнинг чуқур маъносини такрор ва такрор англайди, мустақил тараққиётнинг тўғри йўлини танлаб олганимиз, халқимизнинг фидокорона меҳнати Ўзбекистонимизни бугунги кунда ўзгалар ҳавас қиладиган босқичга кўтариш учун ҳар томонлама асос бўлаётганига ишонч ҳосил қилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Бу йилги мавсум ҳақида гапирганда, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислоҳот ва ўзгаришлар, биринчи навбатда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб, унинг ривожи учун барча шароитларни яратиб берганимиз, бу ҳаракатнинг қишлоқда чиндан ҳам асосий куч бўлиб майдонга чиқаётгани, фермерлар, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг таянч устунига айланиб, деҳқонларимиз ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси ортиб бораётгани биз қўлга киритган улкан ютуқнинг ҳал қилувчи омили бўлганини таъкидлаш лозим.

Ҳаммамиз шунга гувоҳмиз – жорий мавсум ўтган йилларга нисбатан осон бўлмади. Табиат ва иқлим қийинчиликлари ғаллакорларимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди. Қиш фаслида совуқ ва аёзли кунлар меъёридан ортиқ бўлгани, март-апрель ойларининг биринчи ярмида ҳароратнинг одатдагидан кўра пасайиб кетгани, айрим ҳудудларда кучли жала ва дўл ёққани, сув тақчиллиги, шамол ва бўронларнинг салбий оқибатлари, турли касаллик ва ҳашаротларга қарши курашишга тўғри келгани – буларнинг барчаси деҳқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирмасдан қолмади.

Ана шундай мураккаб шароитда дала меҳнаткашлари аввало ишни тўғри ташкил этиш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш, ота-боболаримизнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ғаллазорларни маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳисобидан ҳосилни сақлаб қолишга ва белгиланган марраларни эгаллашга муваффақ бўлгани ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Мавсум давомида ғаллазорларга жами 12 миллион 700 минг тонна, ҳар гектар майдонга ўртача 11 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани, деҳқонларимизнинг ҳар туп кўчат устида парвона бўлиб, ўзини аямасдан меҳнат қилгани, ҳеч шубҳасиз, сара дон етиштиришда муҳим роль ўйнади.

Сўнгги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш, ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитини, сув билан таъминланиш даражасини инобатга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий техника, янги комбайнлар, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, фермер хўжаликларини молиявий ресурслар, аваламбор имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш бўйича шаклланган аниқ тизим асосида самарали олиб борилган ишлар бугунги муваффақиятга пухта замин бўлганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли барча вилоятлар, жумладан, нисбатан оғир иқлим шароитида бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти деҳқонлари ҳам ғалла тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли бажаришга эришдилар. Фарғона ва Андижон вилоятларида ўртача ҳосилдорлик 62 центнерни, Самарқанд вилоятида 61 центнер, Бухоро ва Наманган вилоятларида 60 центнер, Қашқадарё вилоятида 58 центнер, Тошкент вилоятида 57 центнер, Навоий вилоятида 55 центнер, Сурхондарё вилоятида 51 центнерни ташкил этганини бу йилги мавсумнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш лозим.

Бу борада бошқаларга ўрнак ва намуна бўлган Тошлоқ, Олтиариқ, Учкўприк, Вобкент, Поп, Учқўрғон, Иштихон, Ғиждувон, Уйчи, Пешку, Нарпай, Пастдарғом, Пахтаобод, Қўрғонтепа, Шаҳрисабз, Хатирчи, Олтинкўл, Дўстлик, Кармана, Мирзачўл, Яккабоғ, Пахтакор, Навбаҳор, Юқори Чирчиқ, Китоб, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Боёвут, Сирдарё, Денов туманларида ҳосилдорлик 60-70 центнердан ошганини таъкидлаш жоиз.

Юртимиздаги ўнлаб фермер хўжаликларида гектаридан 90-100 центнердан ҳосил олингани деҳқонларимизнинг қандай улкан ишларга қодир эканини кўрсатади. Шулар қаторида биз бугун Каттақўрғон туманидаги "Ҳосил", Фурқат туманидаги "Ортиқали Ғаниев", Учкўприк туманидаги "Фаровон ҳаёт сари", Олтиариқ туманидаги "Хайрулла Баҳром Бойматов", Иштихон туманидаги "Асалчи Элдор", Қува туманидаги "Олтин диёр", Бувайда туманидаги "Ёқубжон ота", "Ўзбекистон", Навбаҳор туманидаги "Очилова Инобат", Пахтаобод туманидаги "Абдулазиз", Кармана туманидаги "Амир Ғолиб келажак", "Саволтепа равнақи", Янгийўл туманидаги "Ситорахон", Олтинкўл туманидаги "Гулгун диёр имкони", Жондор туманидаги "Мурод Рустам", Қўштепа туманидаги "Абдулҳофиз Халилов", Ғиждувон туманидаги "Файз" каби фермер хўжаликларининг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, мана шундай жонбозлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрганда, эшитганда, илгари ҳам айтган бир фикримни яна такрорлашни жоиз деб биламан: дунёда меҳнаткаш инсонлар жуда кўп, лекин оғир синовларда тобланган, ўз фидойилиги ва матонати, чидамлиги ва олижаноблиги билан ажралиб турадиган ўзбек деҳқонларига етадиган, уларга тенг келадиган одамлар кам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ана шундай инсонлар меҳнатини ҳар қанча қадрлаб, уларнинг дарду ташвишлари ва эҳтиёжларига яқин бўлиб, уларни доимо рағбатлантириб, хурсанд қилиб, рози қилиб юрсак, очиқ айтаман, шахсан мен ўзимни беармон, бахтли одам деб ҳис қиламан, десам, бу ҳам ҳақиқат бўлади.

Шулар ҳақида гапирганда, бу йил етиштирилган мўл ғалла ҳосилининг 5 миллион 117 минг тоннаси, яъни 60 фоизи деҳқон ва фермерларимиз, аҳолимиз ихтиёрида қолдирилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хонадонларимизга қут-барака, фаровонлик олиб кирадиган бундай қувончли ҳолатни барчамиз дала меҳнатчиларининг ўз ишидан манфаатдорлиги ортиб, машаққатли меҳнати муносиб қадр топаётганининг яна бир тасдиғи сифатида қабул қиламиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора ўткир муаммога айланиб бораётгани, маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда ер юзида 840 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланмаётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Мана шундай мураккаб бир вазиятда мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган, чуқур ўйланган ислоҳотлар ҳамда сиз, ҳурматли деҳқон ва фермерларимизнинг самарали меҳнати ҳисобидан биз халқимизни асосий озиқ-овқат, аввало, дон маҳсулотлари билан тўла ва ишончли тарзда таъминлашга эришганимиз халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётгани айниқса эътиборлидир.

Бу ҳақиқатнинг амалий ифодасини яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференцияда дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, энг ривожланган давлатлардан келган кўзга кўринган олим ва мутахассислар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари жойларда бўлиб, сизларнинг фаолиятингиз билан яқиндан танишиб билдирган фикрлари мисолида яққол кўриш мумкин. Конференция иштирокчиларининг фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун уларга давлат томонидан имтиёз ва преференциялар бериш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини кенг ўрганишга тавсия этгани албатта ҳаммамизга катта мамнуният етказади.

Айни вақтда барчамиз яхши тушунамизки, замон талаби тобора ўсиб бораётган ҳозирги шароитда фақатгина эришган ютуқлар билан чекланиб, кифояланиб қолишимиз мумкин эмас. Юртимизда ғаллачилик билан бирга бутун қишлоқ хўжалиги тармоғини барқарор ва изчил ривожлантириш, бу борадаги ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш бўйича ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифалар қўймоқда. Шулар қаторида аграр соҳа самарадорлигини янада ошириш, бугунги фермерларимиз бошлаган ижобий ишларни муносиб давом эттира оладиган янги фермерлар авлодини, фермер хўжаликларини замонавий асосда бошқаришга қодир бўлган фермер-менежерларни шакллантириш каби долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида туриши даркор.

Қадрли ва муҳтарам дўстларим!

Бугунги шодиёна кунда сиз, азиз ғаллакорларимиз, деҳқон ва фермерларимизни чин юракдан қутлар эканмиз, улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг олам аҳлининг тўқлиги ҳам, хурсандчилиги ҳам аввало ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиштирадиган фидойи инсонларнинг меҳнатидандир, деган ҳикматли сўзларини яна бир бор эслаймиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сиз, лафзи ҳалол бободеҳқонлар бунёд этган юксак ғалла хирмони – бу аввало тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, эзгу орзу-интилишларимизнинг мустаҳкам пойдевори, десак, янглишмаган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, омилкор деҳқон ва фермерларни, механизатор ва комбайнчиларни, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, бугунги улкан ҳосилга муносиб ҳисса қўшган барча юртдошларимизни бағримга босиб, яна бир бор самимий табриклайман.

**Сизларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан раҳматлар айтиб, барча-барчангизга таъзим қиламан.**

Эл-юртимизни, оила ва хонадонларимизни турли бало-қазолардан Яратганимизнинг ўзи асрасин!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, доимо нондек азиз бўлинг, қадрдонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

Муносабат

# ЮКСАК ЭЪТИРОФДАН ЧЕКСИЗ МАМНУНМИЗ

**Куни кеча Президентимизнинг Ўзбекистон ғаллакорларини самимий қутлаб йўллаган табриклари ойнаи жаҳон орқали ўқиб эшиттирилганда, беихтиёр фахр ва ифтихор ҳиссини туйдим. Сабаби, кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлиб келаётган хўжаликлар қаторида бизнинг "Ситорахон" фермер хўжалигимизнинг номи ҳам зикр этилди. Буни эшитиб, оила аъзоларим билан чексиз қувондик. Чунки, бу давлатимиз раҳбарининг бизга бўлган қатъий ишончи, рағбати ва муносиб эътирофи эди. Бу юксак даражадаги эҳтиромдан бошимиз кўкка етиб, бунёд этилган улкан хирмонда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан хурсанд бўлдик. Бунинг учун ўзим ва оила аъзоларим номидан чексиз миннатдорчилик билдираман.**

Ғалладан 8 миллион 50 минг тонналик натижа. Бу айтишга осон. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор бунёд этилган улкан хирмон. Халқимизнинг эртанги кунга бўлган қатъий ишончи, ризқи, ноз-неъмати. Дарҳақиқат, табрикда эътироф этилганидек, бунинг ортида миришкор деҳқон-фермерларимизнинг оғир ва машаққатли, шу билан бирга шарафли меҳнати ётибди.

(Давоми 2-бетда).




Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан

**Ўтаётган ҳар кунимиз энг улуғ, энг азиз байрамимиз истиқлол шодиёналарига тобора яқинлаштирмоқда. Халқимизнинг байрамолди кайфияти кўтаринки. Боиси, мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 23 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида олиб борилаётган тадбирлар вилоятимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто энг чекка қишлоқларида ҳам юқори савияда уюштирилди.**

# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ ЯҚИН



"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида санъаткорлар, бадиий жамоалар, ёзувчи ва шоирлар, олим ва мутахассислардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари иштирокидаги учрашув, давра суҳбатлари барчага хуш кайфият, завқ-шавқ

(Давоми 2-бетда).

# ҚАДДИН КЎРИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИНИНГ

***Мамлакатимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар юксак самаралар бермоқда***

**Қудратли юрт фарзандлари**

Ҳар бир ота-она фарзанди соғлом бўлиб улғайишини, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини, эл-юртга хизмат қиладиган фидойи инсон бўлиб вояга етишини орзу қилади. Айниқса, болам деб яшайдиган халқимизнинг ўзига хос фазилати ҳам, энг эзгу нияти ҳам, мақсад-муддаоси ҳам ана шу.

Буюк келажагимиз бунёдкори бўлган навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом этиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Бу жараёнда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва самарали омили бўлган болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳим ўрин тутмоқда. Юртимизнинг шаҳару қишлоқлари кўркига кўрк бағишлаб турган муҳташам спорт иншоотлари ўғил-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга, соғлом турмуш тарзига кенг жалб этишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маълумотларига кўра, жорий йилда 163 объект, жумладан, 115 болалар спорти иншоотини қуриш-тиклаш ишлари кўзда тутилган. Ўтган ойларда Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида бир неча болалар спорти иншоотини қуриш ишлари якунланди. Эътиборлиси, мазкур иншоотларнинг барчаси қишлоқ жойларда барпо этилди.

Фойдаланишга топшириладиган объектларни спорт инвентарлари билан жиҳозлашга 4 миллиард 647 миллион сўм, 2004-2012 йилларда фойдаланишга топширилган болалар спорти иншоотлари, мактаб спорт заллари ва сузиш ҳавзаларини қайта жиҳозлаш учун 16 миллиард 950 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилган бўлиб, янги ўқув йилига қадар жойлардаги иншоотларга тўлиқ етказиб бериш кўзда тутилган. Шу йилнинг 1 июль ҳолатига жиҳозлаш дастури бўйича 2,1 миллиард ва қайта жиҳозлаш дастурига асосан 6,4 миллиард сўмлик спорт анжомлари ҳудудларга етказиб берилди.

(Давоми 4-бетда).

Ҳали-ҳамон ёдимда. Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, барча соҳаларда ривожланиш ва тараққиёт йўлларини мустаҳкам белгилаб олаётган йиллар. Президентимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланмиш аграр тармоқда ҳам дастлабки ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Ғалла мустақиллигига эришиш учун ишонч билан илк қадамлар ташланди. Ўша йиллари фермер хўжалигини ташкил этиш ва ишини равон йўлга қўйиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қолаверса, юқори ҳосилдорликка эришиш шунчаки бир хаёл эди. Чунки, йиллар давомида иқтисоди бақувват бўлиб келган йирик жамоа хўжаликлари ҳам танг аҳволга тушиб қолган эди.

Хўжалигимиз 1994 йили республикамизнинг илк қалдирғоч фермер хўжаликлари сифатида ташкил топди. Унга яхши ниятлар билан мустақиллигимиз тенгдоши бўлган фарзандим – Ситорахоннинг номини қўйдик. Дастлаб 3 киши 12 гектар майдонда ғалла ва мева-сабзавот етиштириш бўйича ишга киришдик. Биринчи йили натижа ёмон бўлмади. 5 гектар майдондан 17 центнердан илк ҳосилни олдик. Бу ўша пайтлардаги юқори натижа эди.

Халқимизда "Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас" деган мақол бор. Бу бежизга айтилмаган. Давлатимиз раҳбари томонидан соҳада олиб борилган узоқни кўзловчи, оқилона сиёсат туфайли биз фермерларга катта ишонч билдирилди. Тармоқни ривожлантириш бўйича барча ҳуқуқий асослар мустаҳкамлаб қўйилди. Хўжаликлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун барча имкониятлар яратиб берилди. Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитларни узлуксиз ва ўз вақтида етказиб бериш тизими йўлга қўйилди. Натижада, биз каби янги ташкил этилган фермер хўжаликлари фаолияти изига тушиб, ишлар юришиб кетди.

Бугунги кунда ерларимиз 160 гектарга етиб, 127 гектар майдонда ғалланинг "Ясовул", "Краснодар-99" ва "Замин" уруғлик навлари етиштирилди. Давлатга дон сотиш режаси 3,5-4 кунда бажарилиб, 378,8 тонна ўрнига 716 тонна ғалла топширилди. Ҳосилдорлик 90-100 центнерга етди.

Ишласанг, интилсанг меҳнатинг самараларини кўраверарkансан киши. Аввало, юксак даражадаги иззат ва эҳтиромга эришдик. Қолаверса, юқори ҳосилдорлик ортидан катта даромад кўрдик. Шартнома режасини ортиғи билан бажаргач, хўжаликнинг 17 нафар аъзосига жами 170 тонна ғалла бердик. Яна 30 тоннадан зиёд буғдой кам таъминланган оилаларга тарқатилди. Ҳозирда ўрим-йиғим ишлари қизғин давом этмоқда. Даладаги ҳосилни чамаласак, ихтиёримизда яна 150 тоннадан зиёд ғалла қолиши кутилмоқда.

# ЮКСАК ЭЪТИРОФДАН ЧЕКСИЗ МАМНУНМИЗ

Техника деҳқоннинг қўл-оёғи, дейилиши бежиз эмас. Хўжалик ташкил этилган йиллари эски "Беларусь" тракторимиз бўларди. Бугунга келиб, техникаларимиз сони 20 дан ошди. Ғаллани ўз кучимиз билан ўриб-йиғиб олдик. Яна, республикамизда ишлаб чиқарилаётган оғир юк ташиш учун мўлжалланган "MAN" уловларидан бир нечтасини харид қилишни мўлжаллаб қўйганмиз. Бу йил 146 миллион сўмга Россияда ишлаб чиқарилган "Туман-1" тракторини харид қилдик. У экин майдонларини минерал ўғитлаш ва дорилашда ишлатилади. Бу турдаги техника республикамизга илк бор келтирилди. Афзаллик жиҳатлари шундаки, трактор бир гектар майдонга ишлов бериш учун 50 км.соат тезликда ҳаракатланиб, бор-йўғи 0,2 литр миқдорда ёқилғи сарфлайди. Дала майдонида ҳаракатланганда ҳар қандай экин турига зиён етказмайди, ёғингарчилик ва юқори намгарчиликка ўта чидамли, энг муҳими ботиб қолмайди. Ундан нафақат ўз ерларимизда фойдаландик, балки туманимиз экин майдонларининг қарийб 4 минг гектарига ишлов беришда яқиндан кўмаклашдик.

Хўжалигимизнинг 2 гектар иссиқхонаси бор. Уни яна икки бараварга катталаштириш ниятидамиз. Аввалдан қандай усулда иситиш йўлларини ҳам ҳал этиб қўйдик. Яъни, Голландиядан қишлоқ хўжалиги чиқиндилари ва маҳаллий ўғит асосида биогаз ишлаб чиқарувчи замонавий технология олиб келинди. Шуни ишга тушириш арафасидамиз. Олдимизда улкан мақсадлар турибди. Келгусида балиқчиликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун 12 гектар ер ажратдик. Яна 8 гектар майдонда интенсив боғ яратиш ниятидамиз. Барча ҳосилни қайта ишлаш, уни сақлаш ишлари хусусида ҳам енг шимариб иш бошлаб юборганмиз. 2 минг тонна сиғимга эга замонавий музлаткич қуриш ҳаракатидамиз.

Фарзандларим Азизхон, Хондамир ва Ситорахонлар мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида ўз ҳиссаларини қўшишни мақсад қилишган. Ўғлим Азизхон Тошкент Давлат аграр университетининг "Қишлоқ хўжалиги менежменти" факультетида таҳсил олиш учун ҳужжат топширди.

Шу кунларга етказганига шукр. Ўтган йигирма йил мобайнида бирон марта бўлсада режамиз бажарилмай қолмади. Сабаби, хўжаликнинг барча аъзолари ҳамжиҳатликда иш юритдик. Албатта, бу марраларга, муваффақиятларга эришишимизда ҳукуматимиз томонидан биз фермерларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар асосий ўринда туради. Бунинг учун давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдормиз.

**Анвар РАШИДОВ,**
**Янгийўл туманидаги "Ситорахон" фермер хўжалиги раҳбари.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ ЯҚИН



бағишлади. Режа асосида вилоятимизнинг 18 шаҳар ва туманлари, 36 маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтган тадбирларда Тошкент Давлат аграр университети, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш институти олим, профессор-ўқитувчилари, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, маданият ва спорт бўлими қошидаги халқ академик бадиий жамоалар дирекцияси, "Шош наволари" халқ бадиий жамоаси хонандалари иштирок этди.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси бошчилигида ўтказилган тадбирларда энг улуғ, энг азиз байрам – истиқлол неъматлари, мустақиллик туфайли асрий орзуларимиз ушалиб, ўзлигимиз тиклангани, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори, нуфузи ортиб бораётгани, боиси, жуда қисқа – 23 йил вақт ичида бемисл ютуқларга эришганимиз, инсонпарварлик тамойиллари давлат сиёсатининг асосий мазмун-моҳиятини белгилаши – хотин-қизлар, оналар ва болалар, ёшларга берилаётган катта эътибор, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, ғамхўрлик кўрсатилаётгани ва бу саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бераётгани ҳақида сўз борди. Ўз навбатида, тадбирларда иштирок этган аҳоли ҳам бундай дилтортар суҳбат, кўнгилли учрашув, мулоқот, ажойиб куй-қўшиқлар учун чуқур миннатдорлик изҳор этиб, байрам шодиёналарини астойдил тайёргарликлар билан кутиб олиш ниятини билдирдилар.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ВАТАНГА МЕҲР БИЛАН

**Юртимизда байрам шукуҳи кезиб юрибди. Диёримизнинг ҳар бир гўшасида мустақиллигимизнинг 23 йиллигини кўтаринки руҳда ўтказиш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.**




Ўрта Чирчиқ туманидаги қурилиш касб-ҳунар коллежида ҳам "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида катта байрам тадбири ўтказилди.

Унда вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходимлари, туман ҳокимлиги мутасадди раҳбарлари, Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳаллалар фаоллари ҳамда коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан туман маънавият тарғибот кенгаши раиси Ш. Ражабов, психология фанлари номзоди, доцент Феруза Акромова, шоир Нуриддин Алижон ва бошқалар мустақиллик даврида эришилган муваффақиятлар, барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, юксак даражадаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини эътироф этдилар. Шунингдек, юртимизда ёшларнинг билим олиши, таълим-тарбияси ва келажагини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида тўлқинланиб сўзладилар. Истиқлолни, Ватанни мадҳ этувчи шеърлар ўқилди.

Байрам тадбири якунида "Шош наволари" халқ бадиий жамоаси хонандаси А. Эралиев, туман маданият бўлими вакиллари ва 10-болалар боғчаси кичкинтойлари ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА.**
**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

# ЭКСПОРТЧИ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва преференциялар бериш, қулай шароит ва ишбилармонлик муҳити яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Олмалиқ шаҳридаги "Зартола текстиль" масъулияти чекланган жамиятида кунига қарийб 6 тонна калава ип ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили корхонада тайёрланган маҳсулотнинг бир қисми ички бозорга сотилган бўлса, қолгани экспорт қилинди. Натижада корхонанинг иқтисодий аҳволи янада яхшиланди. Ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошди.

– Маҳсулот экспорти билан боғлиқ ишларда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг кўмаги катта бўлмоқда, – дейди "Зартола текстиль" раҳбари Жўрабек Шарипов. – 2013 йили хорижга қарийб 100 минг АҚШ долларилик маҳсулот сотдик. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни татбиқ этиш, хорижий ҳамкорларимиз сафини кенгайтириш бўйича иш олиб бормоқдамиз.

Шу кунларда "Зартола текстиль"га гилам тўқиш ва пардозлаш технологияси ўрнатилмоқда. Бу иш якунига етгач, яна йигирмага яқин янги иш ўрни очилади.

Вилоятда маҳсулот экспортини йўлга қўйган тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Яқинда Пискент, Қибрай, Зангиота ва Янгийўл туманларида яшовчи кўплаб ишбилармонлар хорижга саноат, қурилиш материаллари экспорт қилиш бўйича келишувга эришди.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Вилоят ҳаёти

## Арзон ва экологик тоза ёқилғи

**Бўка туманидаги "Alter fuel from stem" масъулияти чекланган жамиятида муқобил ёқилғи – экобрикет тайёрланмоқда.**

– Ишлаб чиқаришда иккиламчи хом ашё – ғўза, шоли, писта ва жўхори каби ўсимликлар пояси қолдиқларидан фойдаланаяпмиз, – дейди тадбиркор Алишер Очилов. – Мақсадимиз – халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига экологик безарар ёқилғи етказиб бериш баробарида қишлоқ мулкдорлари учун яна бир қулайлик яратишдир.

Корхонада Хитой ва Россиядан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида йилига 5 минг тонна экобрикет тайёрлаш имконияти мавжуд.

**Шукур МАҲМУДОВ.**

## Маҳсулот харидори хориждан

**Бўстонлиқ туманининг Искандар қишлоғида иш бошлаган "Arslan magic socks" масъулияти чекланган жамияти тўғридан-тўғри хориж сармояси ҳисобидан ташкил этилган корхона ҳисобланади.**

У йилига 3,3 миллион дона тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Айни пайтда корхонада ўрнатилган компьютер бошқарув тизимига эга замонавий дастгоҳлар ёрдамида кунига 4,5-5 минг жуфт катталар ва болалар пайпоқлари тайёрланмоқда. Қувонарли жиҳати, жамоа маҳсулотлари тўлалигича хорижга сотилаяпти.

**Жамшид ШЕРМАТОВ.**

Шукрона

# КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

**Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятимга ҳам 53 йил бўлибди. Шундан қарийб ўттиз йили сувчи, тракторчи, шофёр бўлиб ишлаган давримга тўғри келади. Пахта яккаҳокимлиги ҳукм сурган, инсондан пахтанинг тақдири устун қўйилган у пайтларда ҳозирги турмуш шароити, инсоннинг қадр-қиммати... Буларни фақат орзу қилиш мумкин эди холос. Ерга эгалик қилиш ҳам – худдики ширин бир туш кўришдек гап эди.**



Истиқлолга эришгач, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бошланган ва қишлоқ хўжалигида улкан муваффақиятлар келтириб, тўлиқ ўзини оқлаган, ҳатто дунё ҳамжамиятининг эътибори ва эътирофини қозонган фермерлик ҳаракатига аъзо бўлиб, ерга эгалик қилишдек масъулиятли вазифани зиммамга олдим. Мана, 12 йилдан буён фермер хўжалиги раҳбариман. Шу ўтган йиллар мобайнида давлатимиз раҳбарининг фермерларга қаратаётган эътибор ва ғамхўрлиги, яратиб бераётган имтиёз ва имкониятлари бизга куч-қувват бағишлаяпти. Эртанги кунга ишончимиз ортиб, қалбимиз чексиз фахр ва ифтихорга тўлмоқда.

Ҳозирда фермер хўжалигимизнинг умумий ер майдони 134 гектардан иборат. Ҳар йили 67 гектарда ғалла, яна шунча майдонда пахта парваришлаймиз. 35 нафар хўжалик аъзоларининг мен билан ҳамнафас, камарбаста ишлаши натижасида ўтган йили ғалла топшириш мажбуриятини 128, пахтани 149 фоизга уддаладик. Бу йилги ҳосил ҳам чакки эмас. Хуллас, хўжалик аъзоларимиз билан халқимиз дастурхони тўкинлиги, турмуш фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилаверамиз.

**Эркин САИДҚОСИМОВ,**
**Қуйи Чирчиқ туманидаги "Саид Эркин" фермер хўжалиги раҳбари, "Шуҳрат" медали соҳиби.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

**Республикамизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, уларни жисмонан ва маънан етук қилиб тарбиялаш мақсадида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.**

# ЁШЛАР САЛБИЙ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ!

Мамлакатимиздаги олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида ёшлар эътиборига ҳавола этилаётган гиёҳвандликка қарши кураш мавзусидаги видеофильмлар, мутахассислар иштирокидаги давра суҳбатлар бу иллатни таг-томири билан йўқотишга, ёшларнинг ўз саломатлигини асрашда масъулиятини ошириши билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу жумладан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан йил давомида амалга оширилаётган "Ёшлар чекишга қарши", "Тоза қўллар", "Ёшлар ўртасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандликнинг олдини олиш" каби лойиҳалар ҳам ўғил-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга катта ҳисса қўшаётир. Бу лойиҳалар доирасида маҳорат дасрлари ташкил этилиб, бир гуруҳ кўнгилли тренерлар ўқитилди. Улар ёрдамида барча ҳудудларда "Тенгдош-тенгдошга" тамойили асосида мини-сессиялар ўтказилмоқда.

Вилоятимизнинг турли туман ва шаҳарларида яшовчи ёшлар ўртасида ҳам "Камолот" ЁИҲ кўнгилли тренерлари томонидан кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу тадбирларда ёшлар ва мутахассислар томонидан чекиш, ОИВ/ОИТС ҳамда гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида таъсирли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

– Масъул ташкилотлар ҳамкорлигида "ОИТС ва унинг оқибатлари", "Гиёҳвандлик – умр кушандаси" мавзуларида ташкил этилаётган тадбирлар барчани ижобий хулосалар томон чорлашига ишонамиз, – дейди ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва ОИВ/ОИТС-нинг олдини олишга қаратилган лойиҳа мутахассиси С. Қаюмхўжаева. – Чунки фарзандларимизни жисмонан ва маънан соғлом, баркамол қилиб ўстириш, уларнинг порлоқ, фаровон келажагига пойдевор қуриш вазифаси ҳар доим диққат марказимизда туради ва бу ўз эзгу мақсадларимиз йўлида барча зарур чора-тадбирларни амалга оширамиз.

Хулоса қилиб айтганда, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ҳамда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Қарори доирасида "Камолот" ЁИҲ фаоллари ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирларнинг улғайиб келаётган ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

Пахта – 2014

# ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА МУҲИМ ПАЛЛА

**Президентимиз раҳнамолигида пахтачиликни ривожлантириш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, жаҳон бозорида рақобатбардош ғўза навларини яратиш, унинг селекцияси, уруғчилиги, агротехникасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ғўза навларини танлашда мамлакатимиз минтақаларининг ўзига хослиги эътиборга олинаётгани яхши самара бермоқда.**

– Бугун юртимизда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити инобатга олинган ҳолда ғўзанинг "Наманган-77", "Ан-Боёвут-2", "Бухоро-102", "Султон", "Андижон-35", "Омад", "С-4727", "Бешқаҳрамон", "Дўстлик", "Андижон-36", "Кўпайсин", "Чимбой-5018", "С-6524", "Бухоро-8", "Бухоро-6", "Хоразм-127", "Меҳнат", "С-6541", "С-9085" ва "С-8286" каби эртапишар, серҳосил навлари парваришланмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Пахтачилик ва техника экинларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи О. Матёқубов. – Бу йил мамлакатимизда ғўза ривожи ўтган йилга нисбатан баравж. Айни пайтда жойларда агротехник тадбирларни мақбул муддат ва меъёрларда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аксарият майдонларда минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишлари тўлиқ якунланиб, дала шароити ва ғўза ривожи ҳолатидан келиб чиққан ҳолда суғориш ишлари тизимли тарзда амалга оширилаётир.

Бугунги кунга қадар 6-7 марта культивация, 3-4 марта чуқур юмшатиш ва баргдан озиқлантириш, азотли ўғитлар бериш ишлари бажарилди. Далаларни шарбат усулида, асосан тунда суғориш, тупроғи етилган ғўза қатор ораларига ишлов бериш, меъёрда ўсган ғўзаларни чилпиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

– 55 гектар ерда ғўзанинг "С-6524" навини парваришламоқдамиз, – дейди Тошкент вилоятидаги "Усмонобод" фермер хўжалиги раҳбари У. Эрматов. – Мўл ва сифатли ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, минерал ва маҳаллий ўғитлар, суғориш иншоотларидан ҳамда тежамкор агротехнологиялардан унумли фойдаланишга боғлиқ.



Шу кунларда деҳқону мутахассисларнинг асосий эътибори барча агротехник тадбирларни маромига етказиб бажариш, мўл ва сифатли пахта ҳосили етиштиришга қаратилган.

**Умар АСРОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Танлов

# ЮРТНИ КУЙЛАМОҚ БАХТИ

**Бўка туманида вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт бошқармаси ҳамда бадиий жамоалар дирекцияси ҳамкорлигида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Унда шаҳар, туманларимиз санъат ихлосмандларидан 50 га яқини иштирок этиб, ўз иқтидорларини намойиш этишди. Муҳими, ҳар бир иштирокчининг дилию тилида Ватан мадҳи, эл-юрт муҳаббати, истиқлол шарофати, шукроналик каби инсоний фазилатлар тараннуми...

Атоқли санъаткорлар, ёзувчи, шоир, бастакорлардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати уларнинг чиқишларини кузатар экан, ҳар бир иштирокчининг иқтидори, қобилиятига алоҳида баҳо беришди, бунданда яхшироқ тайёргарлик кўриш, танловга жиддий муносабатда бўлиш кераклигини таъкидлашди. Ғолиблар – биринчи ўрин соҳибаси паркентлик Нодира Мансурова, иккинчи ўринни эгаллаган вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси Раъно Қосимова ҳамда учинчи ўринга муносиб кўрилган паркентлик Феруза Маҳмудова, зангиоталик Ҳамидулло Убайдуллаев ҳам кейинги танловларга пухта тайёргарлик кўриб, янада юқори натижаларга эришишларига ишонч билдирилди.



**Саида ИКРОМОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Байрамолди учрашувлари

**Табиатан эзгуликка мойил халқимиз ҳамиша яхшиликка интилиб, одамлар кўнглини кўтариш, хайрли амалларга чорлашни ўз инсонийлик бурчи деб ҳисоблайди. Аммо, "яхшини яхши" дея олиш имконини фақат истиқлол неъмати берди десак хато бўлмас.**

# ҚАДР ТОПИШ УЧУН ҚАДРЛАШ КЕРАК





Ҳа, ўзлигини таниб, қаддини тик тутган ўзбек халқининг бахти – мустақилликдир. Буни ҳис этиш, англаш учун бор яхшиликларни ўз номи билан аташ керак.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Биз эришган, эришаётган ютуқларимизни ўзимиз айтмасак, фахр-ифтихор қилмасак, буни ким айтади!"

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши Зангиота туманидаги М. Мирзаев номли боғдорчилик-узумчилик институтида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказган тадбирда айнан шундай фикрлар ўртага ташланди.

"Мустақиллик юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги, халқимиз бахту саодатининг кафолатидир" мавзуидаги давра суҳбатида Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Ахбор Имомхўжаев, "Олтин мерос" жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Зарифа Эшмирзаева, ХДП вилоят кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов қатнашиб, "Ким эдигу ким бўлдик?" деган ҳаётий ҳақиқатни аниқ мисоллар билан очиб беришди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Тадбир

**Шу кунларда юртимиз мустақиллигининг 23 йиллигини кўтаринки руҳда ўтказиш бўйича хайрли ишлар амалга оширилмоқда.**

# ГУЛЛА, ЯШНА — МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Юқори Чирчиқ туманидаги мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ҳам "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида тадбир ўтказилди.

Унда коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари, Арғанчи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи маҳалла фаоллари, ота-оналар ва ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатида вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходимлари, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, туман маънавият-тарғибот маркази раҳбари, туман "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчи мутахассиси сўзга чиқиб, аввало, мустақиллигимизнинг беқиёс қадр-қимматини, истиқлол юртимизда яшаётган барча инсонларни эркин ва озод ҳаёт қуриш йўлида бирлаштирадиган, эзгу ишларга сафарбар этадиган буюк неъмат эканини таъкидлаб ўтдилар.

Тадбир сўнгида хушовоз хонанда ва созандаларнинг Ватанимиз мустақиллигини мадҳ этувчи куй-қўшиқлари янгради.

Шу каби тадбирлар тумандаги Оқовул, Суранкет, Жамбул қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам давом этди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Санъат

# ФРАНСУА ПОШ КЎРГАЗМАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида "Ўзбекистон: Темурийлар даври санъати ва манзарали кўринишлар" номли фотокўргазма давом этмоқда.**

Намойишга қўйилган 27 та катта ҳажмли суратларнинг муаллифи франциялик ижодкор Франсуа Пош бўлиб, у дастлабки фотоколлекциясини ўз юртида мухлислар эътиборига ҳавола этган.

Жорий йилнинг май ойида Шаҳрисабзнинг Оқсарой майдонидаги сопол плиткани қайта тиклаш лойиҳасининг ёпилиш маросимида ҳам мазкур кўргазма санъат ихлосмандларига намойиш этилган эди.

Франсуа Пошнинг Тошкент шаҳрида 5 июлдан 24 августга қадар давом этадиган ушбу кўргазмаси Франциянинг Дордон департаменти бош кенгаши томонидан молиялаштирилди.

Франция элчихонаси ахборот хизматининг хабар беришича, "Ўзбекистон: Темурийлар даври санъати ва манзаравий кўринишлар" жамланмасидаги фотосуратлар келгусида юртимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам намойиш этилади.

**"Туркистон-пресс".**

Қарор ва ижро

# ТИЗИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

**Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот таннархини пасайтириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш ҳисобига таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда.**

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, чет эл ишбилармонларининг инвестицияларини, биринчи навбатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш сиёсати изчил амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг I чорагида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 12,4 фоизга ўсди. Ўзлаштирилган инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 23,3 фоизгача кўпайди. 510 та янги ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди, 37 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. Инвестиция фаоллигининг ўсиши пудрат қурилиш ишлари ҳажмлари 15,5 фоизга кўпайишига кўмаклашди. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури доирасида йил бошидан буён 230 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган "2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги Қарорига асосан мамлакатимиз темир йўл тизимида жаҳон андозалари даражасида модернизациялаш ва янгилаш ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 2011-2015 йиллар мобайнида жаҳон андоза ва стандартлари талабига мос Ўзбекистон миллий автомобиль йўллари таркибига кирувчи 2306 километр автомагистраль йўллар, шундан 1410 километр тўрт қаторли автомобиль йўллари қурилиши режалаштирилган ва бу Давлат дастури бўйича амалий ишлар бажарилмоқда.

Мазкур қарор қабул қилинган даврдан бошлаб "Ўзбекистон темир йўллари" компаниясининг 641,7 километр темир йўли тўла таъмирланди, 4925 та юк вагонларининг хизмат муддати узайтирилди, 70 та йўловчи вагонлар ва 171 та локомотивлар модернизация қилиниб, капитал таъмирланди. Компания корхоналарида 1553 та юк ва 68 та йўловчи вагонлар янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан жорий йилнинг 6 ойида жами 24 та локомотив таъмирланди, 13 та йўловчи вагонлар қуриб битказилди, 66 та стрелкали ўтказгичлар алмаштирилди, 1 та авария тиклаш поезди тўла таъмирдан чиқарилди. Шу даврда 312 та инвестицион, 29 та локализация ва 5 та тармоқни ривожлантириш дастурлари бўйича ишлар амалга оширилди.

Темир йўл компанияси корхоналарида 346 та янги иш ўринлари ташкил қилинди. Бундан ташқари, балансида темир йўл инфратузилмасига эга вазирлик ва идоралар, уюшма ва компаниялар, жумладан, "Навоий тоғ-металлургия комбинати" давлат корхонаси, "Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати" ОАЖ, "Uzbekneftegaz" МХК, "O'zkimyosanoat" ДАК, "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзбеккўмир" ОАЖ, "Ўздонмаҳсулот" ДАК, "Ўзметкомбинат" АИЧБ, "Ўзавтойўл" ДАК, "Yog`-moy va oziq-obqat sanoati" уюшмаси ва "Ўзқурилишматериаллари" АК корхоналарида 2011-2015 йилларга мўлжалланган модернизация дастури бўйича инвестициялар, вазирлик ва идоралар сармоялари ҳисобидан амалий ишлар бажарилмоқда.

Вазирлик, идоралар, компаниялар ва бирлашмаларнинг инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастурларида локомотивлар ва вагонлар паркини янгилаш, ҳаракат таркибидаги локомотив ва вагонларнинг фойдаланиш муддатини узайтириш, шахобча темир йўлларни реабилитация ва капитал таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Ушбу корхоналарда омбор хўжаликлари, юк ортиш-тушириш фронтларини ривожлантириш мақсадида катта ўлчовга эга юк тарозилар ва юк ортиш-тушириш механизмларини харид қилиш кўзда тутилган. Буларнинг натижасида темир йўл соҳасида вагонлардан янада самарали фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади, вагонларнинг айланиш тезлиги, улардан фойдаланиш парки коэффициенти ва юк ташиш тезлиги ошади.

Модернизация бугунги кун замон талабидир. Ҳар бир мамлакатда янгиликка интилиш, иқтисодиётнинг реал секторларини янада ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотларни халқаро стандарт талабларига мос равишда кўпайтириш, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, чет эл сармояларини ички иқтисодиёт тармоқларига жалб қилиш келажакда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада кўтаради, қўшимча янги иш ўринлари ташкил этилади, аҳоли бандлиги таъминланишига замин бўлади.

**А. ҚАЛИМБЕТОВ,**
**"Ўздавтемирйўлназорат" инспекцияси ахборот хизмати бошлиғи.**

# ИНТЕРНЕТ ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

**Мамлакатимизда UZ миллий доменининг навбатдаги интернет фестивали бошланди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, "UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ва "InfoCOM.UZ" журнали томонидан ташкил этилган.**



Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари А. Файзуллаев ва бошқалар интернетни оммалаштириш ва аҳолининг ундан кенг фойдаланишини таъминлаш Президентимиз раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Ҳар йили ўтказиб келинаётган UZ миллий домени интернет фестивали аҳолининг кенг қатламлари ўртасида интернет тармоғини оммалаштириш, миллий контентни ривожлантиришга кўмаклашиш ва жаҳон ахборот тармоғида ўзбек тилини қўллашни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу интернет фестивали жорий йил 15 июлидан 22 сентябрга қадар бўлиб ўтади. Фестивалда иштирок этиш учун унинг www.if.uz расмий сайтида тақдим этилган рўйхатдан ўтишнинг махсус шаклини тўлдириш, аризаларни эса шу йилнинг 1 сентябригача топшириш зарур.

Фестивалнинг танлов дастуридан 10 мавзуга оид ва икки махсус номинация ўрин олган. Дастурга мавзуга оид ҳар 10 номинация иштирокчилари учун WWW.UZ миллий қидирув тизимидан махсус мукофотлар киритилган. Мавзуга оид ҳар бир номинация иштирокчилари орасидан энг кўп хост тўплаган 10 сайт ғолиб бўлади, шунингдек, фестивалнинг беш совриндори аниқланади. Ҳар бир номинация бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган ғолиблар диплом ҳамда мукофотлар билан тақдирланади. Жорий йилда фестиваль доирасида мамлакатимиз дастурчилари томонидан ишлаб чиқилган энг яхши мобиль иловалар ва ижтимоий тармоқлардаги ҳамжамиятлар саҳифалари ҳам тақдирланади.

Фестиваль якунлари "InfoCOM – 2014" ахборот технологиялари ҳафталигининг дастлабки кунида сарҳисоб қилинади.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЭЪЛОНЛАР

**"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2014 йил 26 август куни соат 11:00 да Бошланғич нархи – ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. Яккасарой туман СИБ томонидан 2011 йил 27 декабрь кунги ижро варақага асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 14-уйда сақланаётган, 32 дона Хитойда ишлаб чиқарилган "6FY-35" русумли ғалла янчиш тегирмонлари. Бошланғич нархи – 315 126 669.44 сўм.

2014 йил 12 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2014 йил 7 январь кунги 2/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 T 805 OA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 17 899 046 сўм. 2. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39617/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01 D 184 OA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 30 324 000 сўм. 3. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39617/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2002 йилда и/ч дав. бел. 85 K 775 BA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 50 540 000 сўм. 4. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39617/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 079 HA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 5 165 133 сўм. 5. 2012 йил 16 апрель кунги 13368/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Файзиобод" ТИФ божхона масканида сақланаётган, 1990 йилда и/ч дав. бел. 10 987 FAA бўлган "Газ 53" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 7 278 140 сўм 6. 2012 йил 16 апрель кунги 13368/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Файзиобод" ТИФ божхона масканида сақланаётган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 585 CA бўлган "CHANASC-6382" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 11 287 076 сўм. 7. 2013 йил 22 февраль кунги 5667/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 B 033 KA бўлган "Мерседес Бенц C180K" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 82 231 200 сўм. 8. 2013 йил 17 апрель кунги 10561/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ да сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 B 321 BA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 36 797 040 сўм. 9. 2013 йил 30 октябрь кунги 36233/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 C 589 KA бўлган "Спарк" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 29 060 500 сўм. 10. 2010 йил 06 апрель кунги 3462/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган, 1992 йилда и/ч дав. бел. 10 AQ 173 бўлган "БМВ-520" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 11 730 600 сўм. 11. 2013 йил 30 октябрь кунги 36235/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2004 йилда и/ч дав. бел. 10 Y 051 DA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 19 683 839 сўм. 12. 2014 йил 20 февраль кунги 5668/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Y 426 NA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 48 000 000 сўм. 13. 2014 йил 28 февраль кунги 7623/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01 L 092 NA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 32 998 524 сўм. 14. 2014 йил 22 январь кунги 2264/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 598 OA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, Бошланғич нархи – 20 000 000 сўм. 15. 2014 йил 22 январь кунги 2273/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1978 йилда и/ч дав. бел. 10 J 106 FA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 7 916 900 сўм. 16. 2014 йил 22 январь кунги 2263/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда и/ч дав. бел. 10 H 045 HA бўлган "Ваз 2103" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 4 407 898 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб хафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳар, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

Тошкент шаҳар Хўжалик суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53-моддасига мувофиқ Тошкент шаҳар Яккасарой туманида жойлашган қуйидаги "TOSHKENT KOMMUNAL T" 10-1420/9284, "AUTO STEEL SERVIS" 10-1420/9235, "KVETI-KOMMUNAL SERVIS" 10-1420/9236, "OBJORA" 10-1420/9237, "OZOD-OBOD QURILISH" 10-1420/9238, "TOSHKENT PLAZA TRAVE" 10-1420/9239, "CREDENDO SERVIS" 10-1420/9240, "PAYS TEXTILE" 10-1420/9241, "CHERNOBIL JAMA" 10-1420/9242, "GAVXAR SHIRIN" 10-1420/9243, "AGRO FOSFAT BIZNES" 10-1420/9244, "ASIA AVIA ALLIANCE" 10-1420/9245, "BEZAMA AND PARTNERS" 10-1420/9246, "DILFUZ TIB BIZNES" 10-1420/9247, "TURGAN YUNUS" 10-1420/9248 хўжалик юритувчи субъектлари ТУГАТИЛАДИ (02.06.2014 йилдаги қарорга асосан).

Мазкур корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Яккасарой тумани ҳокимияти томонидан қабул қилинади.

Корхоналарга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Хўжалик суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53-моддасига мувофиқ Тошкент шаҳар Яккасарой туманида жойлашган қуйидаги "BASIMAXON SERVIS" 10-1420/7719, "BEAUTY MOON STYLE" 10-1420/7716, "SMILE-TRAVEL" 10-1420/7720, "MUBORAK SERVIS" 10-1420/7723, "AMIRJON-DALERJON" 10-1420/7717, "MODERN QUALITATIVE C" 10-1420/7721, "EVPLUTION GROUP" 10-1420/7718, "SNACK-STOCK" 10-1420/7715, "ELYOR EXKLUZIV" 10-1420/7722 хўжалик юритувчи субъектлари ТУГАТИЛАДИ (20.05.2014 йилдаги қарорга асосан).

Мазкур корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Яккасарой тумани ҳокимияти томонидан қабул қилинади.

Корхоналарга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Хўжалик суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53-моддасига мувофиқ Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "TA'MIR QUR" 10-1420/8343 МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (19.05.2014 йилдаги қарорга асосан).

Мазкур корхонанинг дебитор ва кредиторлик даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Яккасарой тумани ҳокимияти томонидан қабул қилинади.

Корхоналарга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Телефон: 255-73-69.

Якка тартибдаги тадбиркор Воҳидов Сардор Дилмурод ўғлига тегишли бўлган патент йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек туманида рўйхатга олинган "TAXI OPTIMUS" (ИНН 207148041) МЧЖнинг устав жамғармаси 60 910 000 (олтмиш миллион тўққиз юз ўн минг) сўмдан 60 000 000 (олтмиш миллион) сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: 356-04-85.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 20.12.2011 йилда № 1009218 реестр рақами билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Болиев Шавкат Тошниёзовичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 24.10.2012 йилда № 007905 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SAXOVAT NUR INVEST" (ИНН 302409064) МЧЖнинг мулкчилик шакли оилавий корхонага ўзгаришини маълум қилади. Телефон: 692-22-57.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "MILLENIUM PRODUCTION GROUP" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "MILLENIUM PRODUCTION GROUP" МЧЖ Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "PAPER SACK PRODUCTS" МЧЖга бирлашишини маълум қилади. "MILLENIUM PRODUCTION GROUP" МЧЖга 10.10.2013 йилда берилган № 001697-сонли гувоҳнома ва "PAPER SACK PRODUCTS" МЧЖга 28.06.2013 йилда берилган № 005213-05-сонли гувоҳнома ҳамда "PAPER SACK PRODUCTS" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "PRIME TRADING PARTNERS" (ИНН 302029790, ОКПО 23739142) извещает всех заинтересованных лиц об уменьшении уставного фонда с ранее зарегистрированного 4 790 073 194 сум до 148 577 169 сум.

Бектемир тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 20.09.2010 йилда № 000927-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "DONO-DILSO'Z" (ИНН 301702153) хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли таъсисчининг буйруғига асосан оилавий корхонага ўзгаришини маълум қилади. Даъволар (+99890) 971-83-72 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Утерянный аттестат № 665430, выданный в 1988 году средней школой № 9 г. Янгиабада на имя Шагиевой Резиды Фуатовны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Ғазалкент шаҳридаги 3-сонли умумий ўрта мактаб томонидан 2004 йилда Рахмонов Зоир Ботир ўғлига берилган № 1009101 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Яккасарой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "TEM-ENGINEERING" (ИНН 302391099) МЧЖнинг устав жамғармаси 5 000 000 сўмдан 2 500 000 сўмга камайишини ҳамда мулкчилик шакли хусусий корхонага ўзгаришини маълум қилади. Телефон: (+99890) 325-22-89.

М. С. Турсунходжаева номидаги тиббиёт коллежи томонидан 2011-йилда Ахмедов Шерзод Абдикамол ўғлига берилган КН № 2236834 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

В связи с решением Учтепинского межрайонного суда по гражданским делам г. Ташкента, вступившего в законную силу 16.07.2014 г., кадастровое дело (план квартиры), выданный на имя Иванинoго Олега Михайловича согласно гос. ордера за № 08-02/5709 от 25.12.1992г., СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянную круглую печать ООО "SULTONBEK BIZNES" (ИНН 205696755) Яккасарайского района, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети томонидан 2002 йилда Толонов Уйгун Давранбекович номига берилган В № 095225 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти жамоаси меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Орифжон Иброҳимовга турмуш ўртоғи

**Хайринисо ИБРОҲИМОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан

# ҚАДДИН КЎРИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИНИНГ

Мамлакатимизда 2003 йилда жами ўқувчи-ёшларнинг 20,4 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, ҳозир бу рақам 45,5 фоизни ташкил этади.

– Болалар спорти иншоотларида ўғил-қизларимиз нафақат саломатлигини мустаҳкамламоқда, балки халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимизнинг обрўсини юксалтирмоқда, – дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари Акмал Бобонов. – Жамғармамиз маблағи ҳисобидан 2014 йилнинг ўтган даврида ёш спортчиларимиз Германия, Австрия, Италия, Франция, Россия, Хитой, Таиланд ва Қозоғистон каби давлатларда ўтган мусобақаларда 4 олтин, 7 кумуш ва 15 бронза медални қўлга киритди.

### Қадди ҳам, қадри ҳам баланд

Сўнгги йилларда спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда ғалабага эришиши одатий ҳолга айланди.

Бундай қувончли воқеаларнинг деярли ҳар куни бўлаётгани ўзбек спортининг жаҳон миқёсида юксак поғонага чиққанидан далолатдир. Аммо бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилмаганини, унинг замирида тинимсиз меҳнат, ҳар жиҳатдан пухта ўйланган, кенг қамровли ва тизимли чора-тадбирлар мужассам эканига кўпинча эътибор бермаймиз. Шундай пайтларда таниқли полвон Аъзам Шокиржонов айтиб берган бир воқеа эсга тушади.

"Болалигимдан спортга меҳр қўйиб улғайдим, – дейди полвон. – Аммо у пайтлар бугунгидай имкониятлар қаёкда дейсиз? Халқаро мусобақаларга қатнашиш у ёқда турсин, спорт билан яхшироқ шуғулланиш учун ҳам шароит йўқ эди. Жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинлари сингари мусобақаларда қатнашишни-ку орзу ҳам қила олмасдик. 1971 йили Минскда юнон-рум кураши бўйича мусобақа ўтказилганди. Унда ғалаба қозонган спортчи Олимпия ўйинларида иштирок этиш имконига эга бўларди. Мусобақада ғалаба қозондим, лекин Олимпиадага мени олиб кетишмаган, бу армон бўлиб қолган".

Аъзам аканинг бу гаплари ўша даврда деярли ҳар бир ўзбек спортчисининг қисмати эди. Иқтидорига рағбат кўрсатилмай, жаҳон миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиш тўғрисидаги истакларини юрагининг туб-тубига яшириб, "тоғу тошлар орасида номи чиқмай" қолиб кетганлар қанча эди?!

Истиқлолимиз шарофати билан манзара бутунлай ўзгарди. Бугун юртимизда истеъдод соҳиблари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, уларга шароит яратилмоқда, халқимиз, Президентимизнинг юксак ишончига, рағбатига сазовор бўлмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва муҳим бўлаги ҳисобланган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари иқтидорли спортчиларнинг янги-янги авлодини тарбиялайдиган, минглаб спортсевар ёшларга унутилмас лаҳзаларни ҳадя этадиган, уларнинг орзуларини рўёбга чиқарадиган, пировардида ҳаёт йўлини белгилаб берадиган том маънода спорт байрамига айланганини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

"Кичик Олимпиада" номини олган мазкур тизим қанчадан-қанча истеъдодлар учун кашфиёт майдонига айланди. Уларнинг изидан яна минглаб иқтидор эгалари етишиб чиқмоқда.



Спортчиларимиз мустақил жамоа сифатида ёзги Олимпия ўйинларидаги иштирокини 1996 йили АҚШнинг Атланта шаҳридаги мусобақалардан бошлаган бўлса, шу кунгача мазкур мусобақаларда бештадан олтин ва кумуш, ўнта бронза медални қўлга киритди. Осиё ўйинлари, Жаҳон ва қитъа чемпионатларидаги ютуқларимиз янада салмоқли бўлаётгани спортни ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар нақадар тўғри йўлга қўйилганининг самарасидир.

Ўзбекистонга ёзги Олимпия ўйинларининг биринчи олтин медалини келтирган боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев, шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров, бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Лондон Олимпиадаси совриндори Аббос Атоев, каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков, ўзбек қизлари ўртасида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нуриддинов каби спортчиларимизни бугун бутун дунё танийди, уларнинг юксак салоҳиятига тан беради.

Ана шу ака-опаларига ҳавас қилиб, беғубор қалбига жаҳон ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш, юрт шаънини тараннум этишдек олий мақсадни жойлаган ёш спортчиларимизнинг мусобақаларда эришаётган натижалари таҳсинга лойиқ. Уларнинг қўлга киритган медалларини санаб ҳам, ҳисоблаб ҳам адоғига етиш қийин.

2014 йилнинг ўтган даврида ўсмирларимиз бокс бўйича Болгарияда, бадиий гимнастика бўйича Малайзияда, спорт гимнастикаси бўйича мамлакатимизда, трамполин бўйича Японияда, оғир атлетика, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Таиландда, ўқ отиш бўйича Кувайтда, таэквондо бўйича Хитой Тайпейида, сузиш бўйича Беларусда ташкил этилган жаҳон ва Осиё чемпионатлари, нуфузли турнирларда муваффақиятли иштирок этиб, шу йил 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинлари йўлланмаларига эга бўлди.

– Бизни олдинда ўта масъулиятли мусобақа – II ўсмирлар Олимпиадаси кутмоқда, – дейди бокс бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Бектемир Меликўзиев. – Ушбу нуфузли спорт анжуманида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб совға ҳозирлашни ният қилганман.

Ўтган йили шахмат бўйича 8 ёшгача ўғил болалар ўртасида жаҳон чемпиони бўлган Нодирбек Абдусатторовга ҳавас қилган ака-ука Исломбек ва Жавоҳир Синдоров орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ана шундай юксак натижага эришди. Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган рапид ва блиц шахмат бўйича жаҳон чемпионатида Исломбек ва Жавоҳир иккитадан олтин медални қўлга киритди. Ёш жаҳон чемпионлари Президентимиз Ислом Каримов томонидан энг сўнгги русумдаги замонавий компьютерлар билан тақдирланди.

Эркин ва обод, тинч ва осойишта юртда вояга етаётган ўғил-қизлар ўз ҳаётини Ватани равнақи, эл-юртининг обрўсига дахлдор, деб билади. Бу йўлда билим ва салоҳиятини, истеъдоду иқтидорини аямайди. Бундай авлодни ҳеч ким енга олмайди, унинг қадди ҳам, қадри ҳам доимо баланд бўлади.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## 2014 йил – Соғлом бола йили

# ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН БУГУН УРУҒ ҚАДАЙДИ...



**Бу пурмаъно сўзлар мазмун-моҳияти инсонпарварлик тамойиллари устувор давлатимиз сиёсатининг асл мақсадини ифодалайди. Юртимиз келажаги, Ватан равнақи ишончли қўлларда бўлиши учун ҳозирдан ҳаракат лозим.**

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ҳамда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қароридан кўзланган мақсад ҳам ҳар томонлама етук, баркамол ёшлар, болалар тарбиясига қатъий эътибор қаратиш. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда эътиборга муҳтож, имконияти чекланган болаларга оталарча ғамхўрлик, меҳр-мурувват кўрсатиш энг эзгу фазилат саналади.



Ёзги таътил болажонлар учун энг қувончли, ҳаяжонга, шодиёналарга бой давр ҳисобланади. Мусаффо тоғ ҳавоси, зилол сувли шарқироқ сой, анҳор, дарё бўйларида, тоғ ён бағирларида жойлашган оромгоҳлар болаларнинг севимли масканлари.

Шунингдек, жаҳон андозаларига мос, ажойиб истироҳат боғлари ҳам болажонлар ихтиёрида. Шу кунларда пойтахтимизнинг қизиқарли аттракционларга бой оромгоҳларидан бири – "Тошкентленд" вилоятимиздаги меҳрибонлик уйлари, лицей-интернатлар тарбияланувчилари билан гавжум. Вилоят ҳокимлиги, "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди ва "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида уюштирилган хайрия акцияси таклиф этилган 600 нафар болажонларга қувончли онларни ҳадя этди десак муболаға бўлмас.

– Эътиборга муҳтож, ўксик қалбларга шодлик бахш этиш савобли, хайрли ишдир. Уларнинг кўзларидаги қувончни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди, – дейди Янгийўлдаги махсус ёрдамчи мактаб ўқитувчиси Барно Бўронбоева. – "Бола кулса – олам кулади" деганлари шу, аслида. Бугунгидек саёҳат, экскурсиялар болажонларнинг руҳини кўтариб, саломатлиги яхшиланишига ёрдам беради. Бундай қувончли дамларни улар асло унутмайди. Демак, эзгулик уруғи бир кун униб чиқиб, мева бериши шубҳасиз.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**




## Болалар ёзи – 2014

**Бекобод шаҳрининг қоқ ўртасидан оқиб ўтувчи Сирдарёнинг сўлим соҳилида оромбахш бир гўша бор. У "Бекободцемент" ОАЖ ишчи-хизматчиларининг фарзандлари ҳар йили ёзги таътилни ўтказадиган "Цементчи" оромгоҳи.**

# СОҲИЛДАГИ СЎЛИМ ОРОМГОҲ

Оромгоҳга ташриф буюрган кунимиз ёзги таътилнинг иккинчи мавсуми бошланиб, 153 нафар бола ёшига қараб беш гуруҳга бўлинган ҳолда алоҳида павильонларга жойлаштирилган экан. Павильонларнинг пештоқидан уларнинг чиройли номларини ўқиймиз: "Кичкинтой", "Баркамол авлод", "Камалак", "Ёшлар", "Камолот".

Обод ва озода футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, теннис корти, иккита сузиш ҳавзаси, маънавият ва маърифат, тиббий хизмат, "Камолот" етакчиси хоналари учун алоҳида биночалар, маданий тадбирлар майдончалари кишига завқ бағишлайди. Кўркам дарахтлар тагидаги ариқчалардан муздай зилол сувлар оқиб турибди, отилиб турган фавворалар эса иқлимни салқинлаштириб бермоқда. Оромгоҳ бўйлаб ўрнатилган эртак қаҳрамонлари ушбу манзара ва хушҳаводан баҳра олаётгандек гўё.

– Болажонларнинг вақти бекор ўтиб, зерикиб қолишига йўл қўймаймиз, – дейди оромгоҳ бошлиғи Феруза Шерматова. – Ухлаш, овқатланиш, тўгарак машғулотлари, турли тадбирлар кун тартибига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Айниқса, мавсум иш режасига кўра маданий-маърифий тадбирларнинг ўтказиб келинаётгани болалар завқига завқ қўшмоқда.

Оромгоҳда нафақат цементчиларнинг болалари, балки шаҳардаги кам таъминланган ва чегара ҳудудида яшовчи оилалар фарзандлари ҳам дам олаётгани бизни янада қувонтирди. Шунингдек, болажонлар билан суҳбатлашиб бу ерда 5 та қизиқарли тўгарак ишлаётгани, турли тадбир, танлов ва ўйинлар мунтазам ўтказиб борилаётганини эшитиб, янада хурсанд бўлдик.

– Бу йилги ёзги мавсумда 450 нафардан ортиқ боланинг дам олишини ташкиллаштирамиз, – дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Азамат Худоёров. – Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар таъминотида узилишга йўл қўймаймиз. Оромгоҳ учун нимаики зарур бўлса, ўз вақтида етказиб берамиз.

**Каримқул МАВЛОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## Футболимиз келажаги

# ҒОЛИБЛАР САРАЛАНДИ

**"Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими Бўка, Юқори Чирчиқ туманлари ва Олмалиқ шаҳрининг яшил майдонларида "Футболимиз келажаги" республика турнирининг вилоят финал босқичини юқори савияда ўтказди.**

Мусобақа 9-10, 11-12, 13-14 ёшли болалар ўртасида ташкил этилган бўлиб, вилоят гуруҳ ва финал босқичларида жами 810 нафар спортчи-ёшлар қатнашди ва республика босқичи учун кучлилар саралаб олинди.

Жумладан, Бўка туманида 9-10 ёшлилар ўртасида биринчи ўрин учун кечган баҳсда Оққўрғон туманининг "Султонобод" маҳалласи жамоаси Бекобод шаҳрининг "Янги ҳаёт" маҳалласи жамоасини 4-1 голлар нисбатида мағлубиятга учратди. Учинчи ўрин эса Ангрен шаҳрининг "Наврўз-1" маҳалласи жамоасига насиб этди. Учрашувларни ҳакам Рустам Достонов олиб борди.

11-12 ёшлилар ўртасидаги баҳсларда Юқори Чирчиқ тумани "Кавардон" маҳалласи футболчилари биринчиликни қўлга киритди. Иккинчи ўринга Ангрен шаҳрининг "Жигаристон" маҳалласи, учинчи ўринга эса Бўка туманининг "Ўзбек" маҳалласи жамоалари муносиб кўрилди.

Ва ниҳоят, Олмалиқда 13-14 ёшлилар ўртасидаги мусобақаларда Чиноз туманининг "Афғон" маҳалласи футболчилари барча рақибларини мағлубиятга учратиб, биринчи ўринга кўтарилдилар. Кейинги ўринларни Бўстонлиқ туманининг "Озодбош", Олмалиқ шаҳрининг Бобур номли маҳалла ёшлари эгаллади.

Бундан ташқари, "Энг яхши ҳужумчи", "Энг яхши ҳимоячи" ва "Энг яхши дарвозабон" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

– Ёшларимизни жисмонан соғлом ва баркамол вояга етказиш олдимизда турган асосий вазифадир, – дейди 13-14 ёшлилар ўртасида ўтказилган учрашувларни бошқариб борган ҳакам Рўзмат Достонов. – Мазкур турнир ёшларнинг янги қирраларини очмоқда. Бу каби мусобақалар келажакда республикамиз футболини етакчи ўринларга олиб чиқувчи ёшларни тайёрлашда пойдевор вазифасини ўтайди, деб ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин.

Ғолиб жамоалар энди республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

**Нозима АРСЛОНОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети талабаси.**

## Ёзбоп саволлар

# КЎЧА ТЎЛА МОРС ВА КВАС

**Ёз жазирамасида кўчада юрган одам чанқамай иложи йўқ. Шундай пайтда аҳоли гавжум жойларда қуйиб сотилаётган салқин ичимликлар жонга оро киради. Аммо, уларнинг ҳаммаси ҳам истеъмолга яроқлими?**






– Йўқ, албатта, – дейди Бўка тумани Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази раҳбари Дилшод Қодиров. – Қўлбола усулда ясалган бочкаларда сотилаётган, кимёвий ва бактериологик таркиби, истеъмолга яроқлилиги ўрганилмаган ҳар қандай тафтбосди ичимликларни ичавериш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

– Чанқоқни қолдирувчи ичимликларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланаётган фуқароларни аниқлаш мақсадида мунтазам рейд тадбирлари ўтказиб турибмиз, – дейди туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Акмал Тиллаев. – Шундай рейдлар натижасида сиғими 25, 30,40, 50 ва 60 литрли бочкалар ва улардаги ичимликлар (морс) вақтинча сақлаш учун олиб қўйилаяпти ва материаллар туман жиноят ишлари бўйича судига юборилиб, охир-оқибатда савдога қўйилган бу маҳсулотлар истеъмолга яроқсизлиги сабабли йўқ қилиниб, тегишли чоралар кўрилаяпти.

Бўка тумани марказида салқин ичимликларнинг ноқонуний савдосига қарши муайян чоралар кўрилаётган экан. Вилоятимизнинг барча ҳудудларида ҳам шундайми? Чанқовбосди ичимликлар махсус совутгичли, андозадаги сиғимли бочкаларда, барча савдо қоидаларига риоя қилинган ҳолда, тоза оқ либос кийган сотувчилар томонидан бир марта фойдаланиладиган идишларга қуйиб сотилаяптими? Бу саволларга вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва вилоят Давлат солиқ бошқармаси мутасадди раҳбарлари аниқ жавоб йўллайдилар, деган фикрдамиз.

***СУРАТЛАРДА:*** *истеъмолга яроқлилиги номаълум ичимлик қуйиб сотилаётган қўлбола бочкалардан бири; Бўка тумани Давлат солиқ инспекцияси ҳовлисида "ҳукмини кутиб ётган" бочкалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-338. Адади 8765. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00.